



Ислом Нури

Салаф солих — “ахлуссунна вал-жамоа” ақидасининг асослари

“Ахлуссунна вал-жамоа” ақидасининг асослари

“Ахлуссунна вал-жамоа”нинг ақида, амал ва ахлоқда мустаҳкам асослари бўлиб, бу асослар Аллоҳ таолонинг китоби ва расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинган мутавотир ва оҳод ҳадислардан, салаф солих, тобиин ва уларга яхшилик билан эргашган кишилар тушунчасидан олингандир.

Дин асосларини расулуллоҳ солаллоху алайҳи ва саллам етарли даражада баён қилиб бердилар. Бирон кимса дин асосларида янгилик яратиши ва уни диндан деб даъво қилиши мумкин эмасдир. Шу сабабли, “ахлуссунна вал-жамоа” расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам кўрсатган асосларни ушлади, шаръий лафзларни истеъмол қилиб, янги истилоҳлардан узок бўлди. Шунинг учун ҳам, улар салаф солихнинг хақиқий давомчиларидир.

“Ахлуссунна вал-жамоа” тушунчасидаги дин асослари қуйидаги тартибдадир:

Биринчи асос:

Иймон ва унинг рукнлари

Салаф солих — “ахлуссунна вал-жамоа”нинг иймон асослари ҳақидаги эътиқоди, шу иймоннинг расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Жаброил алайҳиссалату вассаломнинг иймон ҳақида берган саволларига берган жавобларида хабар берганларидек, олти рукнга иймон келтириш ва уни тасдиқлашдан иборатдир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Иймон — Аллоҳга, Унинг



Ислом Нури

фаришталари, китоблари, пайгамбарлари, охират куни ва тақдирнинг яхши ва ёмонига иймон келтиришингиздир” (Имом Бухорий ва Муслим ривояти: “Китабул-ийман”).

Иймон ушбу олти рукнга асосланади. Агар бу рукнларнинг биронтаси йўқ бўлса, кимса мўъмин бўлмайди. Чунки, у — иймон рукнларидан бирини йўкотди. Бино устунлари билан тик турганидек, иймон ҳам ўз рукнлари узра тик туради.

Ушбу олти нарса иймон асосларидир. Демак, Китоб (Куръон Карим) ва суннат кўрсатиб берганидек иймон келтириш билангина, иймон мукамал бўлади. Бу рукнларнинг биронтасини инкор этган кимса мўъмин эмас.

Биринчи рукн: Аллох таолога иймон келтириш

Аллох таолога бўлган иймон Аллох таолонинг борлиги, Унинг барча камолот сифатлари билан сифатланган, Унинг ўзигина сизгигина лойиқ эканини тасдиқлаш ва унинг асарлари инсон хаётида, Аллохнинг амрларини бажариши ҳамда қайтарган нарсаларидан тийилишида кўринадиган калбнинг хотиржамлигидир. Бу — Ислом эътиқодининг асоси ва негизидир. Бу рукн аслдир. Эътиқод рукнларининг барчаси унга боғлиқ ва тобедир.

Аллох таолога бўлган иймон Унинг борлигини ўз ичига олади. Аллох таолонинг борлигига эса фитрат (хилкат), ақл, шариат ва хис этиш далолат килади.

Аллох таолонинг ваҳдонияти (ёлгизлиги), улухияти (илохлиги), исм ва сифатларига иймон келтириш — Аллох таолога иймон келтиришнинг ажралмас қисмидир. Бу эса тавҳиднинг уч турига икром бўлиш, амал



Ислом Нури

килиш ва уларга эътикод килиш билан рўёбга чиқади. Улар куйидагича:

1. Рубубият тавҳиди.
2. Улухият тавҳиди.
3. Исм ва сифатлардаги тавҳид.

1. Рубубият тавҳиди.

Рубубият тавҳидининг маъноси — Аллох таоло барча нарсанинг роббиси, шериксиз эгаси, Ёлгиз яратувчи, Оламни бошқариб, унинг устидан тасарруф қилувчи, бандаларнинг Холики, Розики, тирилтирувчи ва ўлдирувчиси эканига катъий ишониш ва Аллохнинг казоси ва кадари ҳамда Зотида ёлғизлигига иймон келтириш, хуллас, Аллох таолони ўз ишларида ёлғиз санаш, демакдир.

Аллох таолонинг рубубиятига иймон келтириш фарз эканига шаръий далиллар бор. Аллох таоло (Фотиха: 1) да деди: **“Барча Оламлар роббиси бўлган Аллохга ҳамду санолар бўлсин!”**.

— (Аъроф: 54)да деди: **“Билинглари, яратиш ва буюриш Аллох таологагина хосдир. Барча Оламлар роббиси бўлган Аллох таоло буюқдир”**.

— (Бақара: 29) да деди: **“У сизлар учун барча нарсани яратган зотдир”**.

— (Зориёт: 58) да деди: **“Аллохнинг Ўзигина Раззок, куч-қувват сохиби ва Кудратлидир”**.

Тавҳиднинг бу турига Қурайш мушриклари ва турли дин ва ақидага



Ислом Нури

мансуб кишилар карши бўлмадилар. Уларнинг барчаси: “Бу Оламнинг яратувчи Холики Аллох таолодир” — деб эътикод киладилар. Аллох таоло улар хакида шундай деди: **“Агар сиз улардан: “Самовот ва ерларни ким яратди.” — деб сўрасангиз, улар: “Аллох” — деб жавоб берадилар”** (Лукмон: 25).

Яна бир оятда деди: **“(эй Мухаммад саллаллоху алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «Агар билгувчи бўлсангизлар (айтингларчи), Ер ва ундаги нарсалар кимники?» Улар тезда: “Аллохники” — дерлар. Айтинг: «(шундан) ибрат-эслатма олмайсизларми?!» Айтинг: “Етти кават Осмоннинг Хожаси ва буюк Аршнинг Сохиби ким?” Улар: “Бу нарсалар Аллохники” — дейдилар. Айтинг: “Ахир кўркмайсизларми?!” Айтинг: “Агар билсанглар (айтинглар-чи) Барча нарсанинг подшоҳлиги кўлида бўлган, хомийлик киладиган, Унга карши биров хомийлик кила олмайдиган Зот ким?” Улар: “(Бу нарсалар) Аллохники” дерлар. Айтинг: “(ундай бўлса), қандай алданиб колмокдасизлар?” Балки, биз уларга хакикатни олиб келдик. Улар эса **ёлгончидирлар”** (Муъминун: 84 - 90).**

Нега мушриклар Аллох таолонинг “Роб” эканини икор этмадилар. Чунки, бандаларнинг калби унга икрор бўлиш билан фитратланган. Шунинг учун ҳам, Аллох таолонинг “Роб” эканига эътикод қилган киши тавҳиднинг иккинчи тури — Аллох таолонинг илох эканига иймон келтирмагунича **муваххид** бўла олмайди.

2. Улухият тавҳиди

Улухият тавҳидининг маъноси — бандалар килаётган амалларида Аллох таолони ягоналашларидир. Уни “ибодат тавҳиди” деб аталади.



Ислом Нури

Бунинг маъноси: “Аллох таолонинг ўзигина хакикий илох ва ундан ўзга илох йўқдир. Ундан бошқа хар-бир маъбуд ботилдир. Аллохнигина ибодат, бўйсунуш ва мутлак итоат билан яғоналаш. Аллох таолога ким бўлишидан катъий назар бирон бир нарсани шерик килмаслик. Намоз, рўза, закот, хаж, дуо, ёрдам сўраш, назр ва қурбонлик сўйиш, таваккул, хавф ва умид килиш, яхши кўриш каби ва булардан бошқа зохирий ва ботиний ибодат турларини Аллох таолодан бошқасига килмаслик. Аллох таолога мухаббат, хавф ва умид билан ибодат килиш ҳамда Аллох таолога буларнинг баъзисини кўйиб, қолган баъзиси билан ибодат килиш залолат эканига катъий эътикод килишдир.

Аллох таоло деди: **“Сенгагина ибодат киламиз ва сендангина ёрдам сўраймиз”** (Фотиха: 5).

Яна бир оятда: **“Ким ўзи учун ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Аллох билан бирга бошқа бирон илохга дуо-илтижо қилса, унинг ҳисоб-китоби Роббисининг ҳузурда бўлур. Албатта, кофирлар нажот топмаслар”** — деди (Мўъминун: 117).

Улухият тавҳидига барча пайгамбарлар даъват этдилар. Уни инкор этган қадимги халқлар ҳалокатга учрадилар.

Улухият тавҳиди — Ислом динининг аввали ва охири, ботини ва зохиридир. У — пайгамбарлар даъватининг аввали ва охири бўлиб, шу сабаблигина пайгамбарлар юборилди, китоблар туширилди ва жиход қиличлари сугурилди. Шу билангина кофирлар ва мўъминлар ўртаси, жаннат ва жаҳаннам аҳлларининг ўртаси ажратилди.

Бу Аллох таолонинг: «Ла илаха иллаллох» **“Аллохдан ўзга (хакикий) илох йўқ”** — деб айтган сўзининг маъноси дир. Аллох таоло деди: **“Биз**



Ислом Нури

сиздан аввал юборган хар бир пайгамбаримизга: “Мендан ўзга (хак) илох йўк ва менгагина ибодат килинглар!” — деб вахий килганмиз” (Анбиё: 25).

Рубубият тавҳиди улухият тавҳидининг такозоларидан биридир. Зеро, Роб, Холик, Розик, тасарруф килувчи, ўлдирувчи, тирилтирувчи, барча камолот сифатлари билан сифатланган, барча нуксонлардан пок, барча нарса кўлида бўлган зотгина шериксиз ягона илох бўлиши ва ибодат унгагина килиниши зарурдир.

Аллох таоло деди: **“Жинлар ва инсонларни ўзимгагина ибодат килишлари учун яратдим”** (Зориёт: 56).

Мушриклар ягона илохга ибодат килишмас, балки, сон-саноксиз маъбудаларга ибодат килишар ва бу бизни Аллох таолога якин килади, деб ўйлар эдилар. Шундай бўлса-да, улар бу маъбудаларнинг фойда ёки зарар бермасликларини эътироф этишарди. Шунинг сабабидан, Аллох таоло уларни рубубият тавҳидини эътироф этсалар-да, мўъминлар деб эътибор килмади. Балки, ибодатда бошқаларни шерик килганлари учун кофир деб баён килди.

Мана шуниси билан салафларнинг бошқаларга нисбатан улухият (илохлик) хақидаги эътиқодлари ажралиб туради. Салафлар баъзи одамлар ўйлаганидек тавҳиднинг маъноси — “Аллохдан ўзга Холик йўк” дегани деб тушунмайди. Балки, улухият тавҳиди Ислом эътиқодида икки асос билан рўёбга чиқади.

Биринчи: ибодатнинг барча турлари шериксиз Аллох таолонинг ўзи учунгинадир. Холикнинг бирон бир ҳуқуқ ва хусусияти бирон бир махлукка берилмайди.



Ислом Нури

Демак, Аллох таологагина ибодат килинади. Аллохдан бошқасига намоз ўқилмайди. Аллохдан бошқасига сажда килинмайди. Аллохдан бошқасига назр ва таваккул килинмайди. Улухият тавҳиди ибодат билан Аллох таолонинг ўзинигина хослашни такозо килади. Ибодат эса ё калб ва тилнинг сўзи, ёки калб ва (одам) аъзолар(и)нинг амалидир.

Аллох таоло деди: **“(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам) айтинг: “Менинг намозим, сўйган курбонлигим, хаётим ва ўлимим барча Оламлар роббиси, шериксиз Аллох учундир. Мен шунга буюрилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман”** (Анъом: 162 – 163).

Яна бир оятда: **«(эй инсонлар) Огоҳ бўлингизким, холис дин Аллохникидир»** (Зумар: 3).

Иккинчи: ибодат Аллох таоло ва унинг расули соллаллоху алайхи ва салламнинг амрларига мувофиқ бўлиши шартдир.

Аллох таолони ибодат, бўйсунуш ва итоат билан ягоналаш “Ла илаха иллаллох” (Аллохдан ўзга хақиқий илох йўк)— деб берилган гувоҳликнинг рўёбга чиқарилишидир.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга эргашиш ва у буюрган нарсаларни килиш ҳамда қайтарган нарсалардан четланиш, “Мухаммадур-расулуллох” (Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам Аллохнинг элчисидир)— деб берилган гувоҳликни рўёбга чиқаришидир.

“Ахлуссунна вал-жамоа” нинг йўли

“Ахлуссунна вал-жамоа” Аллох таологагина ибодат килиб, унга бирон



Ислом Нури

нарсани шерик килмайдилар. Эҳтиёжлари ва ёрдамни Аллохдангина сўрайдилар. Унгагина таваккул киладилар. Ундангина кўркадилар. Аллохга унинг тоати, ибодати ва солиҳ амаллар билан якин бўладилар. Аллох таоло деди: **“Аллохгагина ибодат килинглари ва унга бирон нарсани шерик килманглари!”** (Нисо: 36).

3. Исм ва сифатлардаги тавҳид:

Бунинг маъноси: “Аллох таолонинг гўзал исмлари ва олий сифатлари бор, У барча камолот сифатлари билан сифатланган ва барча нуксонли сифатлардан пок ҳамда У мана шу сифатларида барча борликдан ажралиб туради” — деб катъий эътиқод килиш, демакдир.

“Аҳлуссунна вал-жамоа” — ўз роббиларини Куръон Карим ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларида келган сифатлар билан танийдилар. Улар роббиларини Унинг Ўзи ва элчиси сифатлаган нарсалар билан сифатлайдилар. Сўзларни ўз ўрнидан ўзгартмайдилар ва Аллохнинг исмлари ва оятларида илҳод килмайдилар. Улар Аллох учун У ўзи учун исбот этган сифатларни тамсил, таъйиф, таътил ва таҳрифсиз исбот этадилар. Уларнинг бундаги коидалари Аллох таолонинг ушбу сўзларидир: **«...Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитгувчи ва Кўрувчидир»** (Шуро: 11).

“Аллохнинг гўзал исмлари бор. Уни ўша исмлар билан чорланглари (дуо килинглари). Унинг исмларида ҳақдан оғган кимсаларни тарк килинглари. Улар яқинда килиб ўтган амалларига яраша жазоланурлар ” (Аъроф: 180).

“Аҳлуссунна вал-жамоа” — Аллох таоло сифатларининг кайфиятини



Ислом Нури

белгиламайдилар. Чунки, Аллох таоло кайфият хакида хабар бермади. Зеро, Аллох таолога нима лойик ва нима нолойик эканини Аллох таолодан бошка хеч ким билмайди. Аллох таоло деди: **“Сизлар яхширок биласизларми ёки Аллохми.”** (Бакара: 140).

Яна бир оятда: **“Аллох таоло учун ўхшашларни килманглар! Дархакикат, Аллох билади, сизлар билмайсизлар”** (Нахл: 74).

Аллох таолодан сўнг элчиси Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламдан кўра Аллох таолони яхширок биладиган бирон кимса йўк. Холбуки, Аллох таоло у зот хакида шундай деди: **“Ва у ўз хавойи-хохиши билан сўзламас. У сўзлаган сўзлар факат юборилган вахийдир”** (Нажм: 3, 4).

“Аҳлуссунна вал-жамоа” — “Аллох субхонаху ва таоло “Аввал” — ундан аввал бирон нарса бўлмаган, “Охир” — ундан сўнг бирон нарса бўлмайди, “Зохир” — унинг устида бирон нарса йўк ва “Ботин” — махфий нарсаларни хам билувчи” — деб иймон келтирадилар. Аллох таоло деди: “У — Аввалдир, у — Охирдир, у — Зохирдир, у — Ботиндир. У — барча нарсани билгувчидир” (Хадид: 3).

“Аллох таолонинг зоти бошка зотларга ўхшамас ва шунингдек сифатлари хам бошка сифатларга ўхшамас. Чунки, Унинг мисли, тенгдоши ва баравари йўқдир хамда у махлукларига киёс килинмайди”. “Аҳлуссунна вал-жамоа” Аллох таоло учун Аллох таоло ўзи учун исбот этган барча сифатларни ўхшатишсиз исбот, таътилсиз танзих этадилар (“Таътил” — илохий сифатларни инкор этишдир. “Танзих” — Аллох таолони зоти ва сифатларида нолойик бўлган нарсалардан поклаш).



Ислом Нури

“Аҳлуссунна вал-жамоа” Аллох таоло учун У ўзи учун исбот этган сифатларни исбот этар эканлар, уни бирон нарсага ўхшатмайдилар. Аллох таолони поклаган вақтларида эса У Ўзини сифатлаган сифатларни инкор қилмайдилар.

“Аҳлуссунна вал-жамоа”: “Аллох таоло барча нарсани билувчи, уларни яратувчиси ва ҳар бир тирикка ризқ берувчи зотдир” — деб иймон келтирадилар. Аллох таоло деди: **“(Ахир) яратган Зот билмасми? У Мехрибон ва (ҳар бир нарсадан) Огохдир!”** (Мулк: 14).

Яна бир оятда деди: **“Аллохнинг Ўзигина Раззоқ, куч-қувват соҳиби ва Қудратлидир”** (Зориёт: 58).

“Аҳлуссунна вал-жамоа” Аллох таолонинг етти кават осмоннинг устидаги Аршга кўтарилгани ва махлуқларидан ажрагани, бироқ, барча нарсаларни билиб туришига иймон келтирадилар ва унинг кайфиятига аралашмайдилар. Аллох таоло Ўзи хақида қуръони каримнинг етти оятида кайфиятини баён қилмаган ҳолда хабар берди:

Аллох таоло деди: **“Раҳмон Аршга кўтарилди”** (Тоҳа: 5).

Бошқа бир оятда деди: **“...Сўнгра Ўз Аршига ўрнашган Зотдир”** (Ҳадид: 4).

Яна бир оятда деди: **“Ёки сизлар осмондаги Зот сизларни ернинг титраб турган холида, (Ерга) юттириб юборишидан хотиржам бўлдингизларми?! Ёки сизлар осмондаги Зот устингизга тош ёғдиришидан хотиржаммисизлар?! Сизлар яқинда менинг огохлантиришим қандай эканлигини билиб оласизлар”** (Мулк: 16, 17).



Ислом Нури

Аллох таоло деди: **“Яхши сўзлар Унга кўтарилади ва У солих амалларни Ўз даргохига кўтаради”** (Фотир: 10).

Яна бир оятда деди: **“Улар Тепаларидаги роббиларидан кўркадилар”** (Нахл: 50).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Сизлар менга ишонмайсизларми?! Ахир мен осмондаги зотнинг омонатдориман-ку!” — дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа” — Курсий ва Арш ҳақлигига иймон келтирадилар. Аллох таоло деди: **“...Унинг Курсийси осмонлар ва Ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва Ерни хифзу химояда саклаб туриш кийнамайди. У энг Юксак ва Буюқдир”** (Бакара: 255).

Аршнинг канчалиги ёлғиз Аллохнинг ўзигагина маълумдир. Курсий Арш олдида сахрога ташлаб кўйилган халка мисолидадир ва У (Курсий) Ер ва Осмонлардан кенгдир. Аллох таоло Арш ва Курсийдан беҳожатдир. Аллох таоло Арш устига мухтож бўлгани учун эмас, балки, ўзи билган хикмат учунгина кўтарилди. Аллох таоло Арш ва ундан кичик нарсаларга мухтож бўлишдан покдир. Аллох таолонинг макоми булардан кўра буюқрокдир. Хатто Арш ва Курсий ҳам, Аллох таолонинг кудрати ва салтанати билангина кўтариб турилади.

Аллох таоло Одам алайхиссаломни ўзининг икки кўли билан яратди. Ўзи сифатлаганидек Унинг икки кўли ўнг-баракали ва очикдир, хохлаганича инфок килади.

Аллох таоло деди: **“Яхудийлар: “Аллохнинг кўли боглик (бахил)” — дедилар. Ўзларининг кўллари боғланиб колгай ва**



Ислом Нури

айтган гаплари билан лаънатга учрагайлар. — Йўк! У Зотнинг хар икки кўли очикдир ва Ўзи хохлаганидек инфок килади” (Моида: 64).

Бошка бир оятда шундай деди: **“Эй Иблис, Мен ўз кўлларим билан яратган нарса — Одамга сажда килишингдан нима сени манъ килди?!”** (Сод: 75).

“Аҳлуссунна вал-жамоа” Аллох таоло учун эшитиш, кўриш, илм, кудрат, кувват, иззат, калом-гапириш, хаёт, оёк кафти-товон, болдир, кўл, махлуклари (уларни билиш, эшитиш ва кўриш) билан бирга экани ва бундан бошка Аллох таоло ўзининг Азиз Куръони ва пайгамбари саллаллоху алайхи ва салламнинг тилида баён килган сифатларни биз билмаган ва Аллохгина биладиган кайфиятда исбот этадилар. Чунки, Аллох таоло бизга бу сифатларнинг кайфиятидан хабар бермади. Аллох таоло деди: **“Мен сизлар билан биргаман: эшитиб, кўриб турурман”** (То-ха: 46).

“Ва у билувчи, хаким зотдир” (Тахрим: 2).

“Мусо билан Аллохнинг Ўзи (бевосита) гаплашди” (Нисо: 164).

“Роббингизнинг улуглик ва икром сохиби бўлган Юзигина бокий колади” (Рахмон: 27).

“Улардан Аллох рози бўлди, улар хам Аллохдан рози бўлдилар” (Моида: 119).

“Аллох уларни яхши кўрур, улар Аллохни яхши кўрурлар” (Моида: 54).



Ислом Нури

“Энди қачонки улар Бизни даргазаб қилишгач, Биз улардан интиком олдик” (Зухруф: 55).

“Болдир очиладиган ва саждага чакириладиган кунда улар сажда қилишга кодир бўлмайдилар” (Калам: 42).

“Аллох — ундан ўзга (хақиқий илох) йўқ, Тирик ва Қайюм-хар нарсани билиб, бошқариб турувчидир” (Оли Имрон: 2).

“...Аллохнинг газабига дучор бўлган...” (Мумтахана: 13).

Бундан бошқа Аллох таолонинг сифатлари зикр қилинган оятлар кўпдир.

“Ахлуссунна вал-жамоа” мўъминлар охиратда роббиларини кўзлари билан кўришлари, уни зиёрат қилишлари, унинг мўъминларга гапириши, мўъминлар ҳам унга гапиришларига иймон келтирадилар. Аллох таоло деди: **“У кунда юзлар порлаб, роббисига қараб тургувчидир”** (Киёмат: 22, 23).

Улар тез кунда ўз роббиларини ойдин кечада тўлин ойни кўрганларидек ҳеч қийналмасдан кўришларига иймон келтирадилар: расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Сизлар ўз роббингизни ойдин кечада тўлин ойни кўрганингиздек кўрасизлар, уни кўришда сикилишмайсизлар” (Саҳих ҳадис эканига иттифок қилинган).

“Ахлуссунна вал-жамоа” — Аллох таоло кечанинг учдан бири қолган пайт энг қуйи осмонга ўзининг азамати ва буюқлигига лойик суратда, хақиқатда тушишига иймон келтирадилар. Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Роббимиз ҳар кеча, кечанинг учдан бири



Ислом Нури

колганида куйи осмонга нозил бўлади ва: “Ким менга дуо килади ижобат киламан! Ким мендан сўрайди, сўраган нарсасини бераман! Ким менга истигфор айтади, гунохларини кечираман!” — дейди” (Муттафакун алайхи).

“Ахлуссунна вал-жамоа” — Аллох таоло киёмат кунида бандалари ўртасида хукм килиш учун ўз буюкликига лойик суратда (хакикатда) келишига иймон келтирадилар. Аллох таоло деди: **“Йўк, қачон Ер чил-парчин килинганда. Роббингиз ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда ...”** (Фажр: 21, 22).

“(Исломга кирмаганлар) булутдан бўлган соябон остида Аллох ва фаришталар келиши ва ишнинг хал бўлишини кутиб турибдиларми?” (Бакара: 210).

“Ахлуссунна вал-жамоа”нинг бу тўғридаги йўли Аллох таоло ва Унинг расули саллаллоху алайхи ва саллам хабар берган нарсаларига тўла таслим бўлишдир. Имом Зухрий раҳимахуллох айтганларидек: “Аллох таолодан юбориш, пайгамбардан етказиш ва биздан таслим бўлиш”. (Имом Багавий: “Шархуссунна”).

Имом Суфён ибн Уяйна раҳимахуллох: “Аллох таоло ўзини Куръон Каримда сифатлаган ҳар бир сифатнинг ўқилиши унинг тафсиридир. Уларнинг кайфияти ҳам мисли ҳам зикр килинмайди” — деди (Имом Лолакой: “Шарху усули эътиқоди ахлуссуннати вал-жамоа”).

Имом Шофий раҳимахуллох деди: “Мен Аллох таолога ва Аллох таоло тарафидан келган хабарларга Аллох хоҳлаганидек иймон келтирдим ва расулulloх соллаллоху алайхи ва салламга ва у олиб келган нарсаларга расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам хоҳлаганидек



Ислом Нури

иймон келтирдим” (Имом ибн Кудома раҳимахуллох: “Ламаъатул-эътикод алходий ила сабилир-рошад”).

Валид ибн Муслим раҳимахуллох деди: “Мен Авзой, Суфён ибн Уяйна ва Молик ибн Анас раҳимахумуллохлардан Аллох таолонинг сифатлари ва уни кўриш ҳақидаги ҳадислардан сўрадим: “Улар бу ҳадисларни қандай келган бўлса, шундай, қайфиятсиз ўтказинглар” — деб айтдилар” (Имом Бағавий: “Шархуссунна”).

Дорул-Хижра-Мадинанинг имоми — имом Молик раҳимахуллох шундай дейди: “Бидъатдан узок бўлинглар!”. Ундан: “Бидъат нима” — деб сўралганида: “Бидъатчилар Аллох таолонинг исмлари, сифатлари, каломи, ишлари ва кудрати ҳақида бўлмагур сўзларни сўзлаётган ҳамда саҳобалар ва уларга яхшилик билан эргашганлар сукут қилган нарсалардан сукут қилмаётган кишилардир” — деб жавоб бердилар (Имом Бағавий: “Шархуссунна”).

Бир киши Имом Молик раҳимахуллохдан “Раҳмон Аршга кўтарилди” ояти ҳақида: “қандай қилиб кўтарилди?” — деб савол берди. Имом Молик раҳимахуллох унга: “кўтарилиш маълум, қайфият номаълум, унга иймон келтириш фарз, у ҳақда сўраш бидъат. Сен адашган кўринасан” — деб жавоб бердилар ва савол берган одамни ҳузуридан чиқариб юборишга буюрдилар (Имом Бағавий: “Шархуссунна”).

Имом Абу Ханифа раҳимахуллох дедилар: “Ҳеч бир кимса Аллох таолонинг зоти ҳақида бирон сўз айтмасин. Балки, Аллох таолони Аллохнинг ўзи сифатлаган сифатлар билан сифатласин. Аллох ҳақида раъйи билан бирон нарса демасин, Барча Оламлар роббиси бўлган Аллох буюқдир” (“Шархул-ақидатит-Таховийя”).



Ислом Нури

Имом Абу Ханифа раҳимахуллох Аллох таолонинг нозил бўлиши хақида сўралганларида: “У нозил бўлади, кайфияти эса номаълум” — деб жавоб бердилар (Шархул-ақидатит-Таховийя”).

Хофиз, Имом Нуъайм ибн Хаммод ал-Хузозий раҳимахуллох деди: “Ким Аллохни махлукларига ўхшатса кофир бўлади. Ким Аллох ўзини сифатлаган сифатларни инкор этса кофир бўлади. Аллохни Унинг Ўзи ва унинг расули соллаллоху алайхи ва саллам сифатлаган сифатларда бирон нарсага ўхшатишлик йўқ” (Имом Бағавий: “ал-Улув лил-Алиййил-Гаффор”).

Баъзи салаф олимлари: “Исломнинг оёғи бўйсунуш кўприги узрагина тойилмасдан собит бўлади” — дедилар (Имом Бағавий: “Шархуссунна”).

Шунинг учун ҳам, Аллох таолонинг зоти ва сифатлари хақида сўз юритишда салаф йўлидан юраман деган одам, у хоҳ салаф даврида бўлсин, хоҳ кейинги асрларда яшасин, исм ва сифатлардаги Куръон Каримнинг услубини олиши керак.

Салафнинг йўлига муҳолиф бўлган хар бир одам, у хоҳ салаф, хоҳ саҳобалар ва тобиинлар асрида яшасин, Куръон йўлидан юрмаган бўлади.

- (“Илход” — хақиқатдан мойил бўлиш, ундан бурилиб кетиш, демакдир. “Илход” ичига “таътил”, “тахриф”, “такйиф” ва ташбих” киради.)

«Таътил» — сифатларни умуман исбот қилмаслик ёки баъзиларини исбот қилиб, баъзиларини инкор қилиш.



Ислом Нури

“Таҳриф” — шаръий далилларни лафз ёки маъноларида ўзгартиб, уларни зоҳирий маъноларидан лафз унга кучсиз эҳтимолда далолат қиладиган маъноларга буриш. Хар бир “таҳриф” — таътилдир. Хар бир “таътил” — таҳриф эмасдир.

“Такйиф” — “кандай” — деб савол бериб, суриштириш.

“Тамсил” — бир нарсанинг барча жихатлардан ўхшаш—тенггини исбот этиш.

“Ташбих” — бир нарсанинг баъзи жихатлардан ўхшаш—тенггини исбот этиш.

- Аллох таолонинг зоти ва сифатларининг кайфиятини хаёлга келтириш жоиз эмас. Чунки, инсон хаёлига келган барча тасаввур ва хаёлдан Аллох таоло буюқдир.

- (Аршга кўтарилиш ва олийлик, биз, Аллох таолонинг буюқлигига лойик тарзда исбот этадиган икки сифатдир. “арабча иставо” сўзини салаф олимлари: “ўрнашди”, “юксалди” ва “кўтарилди” деб тафсир қилдилар. Салаф уламолари “кўтарилиш” сўзига бундан ортик маъно бермадилар. Улардан бу сўзга “хукмрон бўлди”, “эга бўлди”, “бўйсундирди” каби маънолар ривоят қилинмади).

“Иставо” сўзининг араб тилидаги маъноси Имом Бухорийнинг “Саҳих” ида баён қилинганидек: “кўтарилиш”, “олий бўлиш”, демақдир.

— Аллох таолонинг Аршга кўтарилиш кайфияти биз учун номаълум. Унинг хақиқатини Аллохнинг ўзигина билади.

— Далиллар собит бўлгани учун Аллох таолонинг Аршга



Ислом Нури

кўтарилганига иймон келтириш фарздир.

— Аллох таолонинг Аршга кўтарилиши хакида савол бериш бидъатдир. Чунки, бу кўтарилишнинг кайфиятини Аллох таолонинг ўзигина билади.

- Улар куйидаги тартибда: Аъроф: 54, Юнус: 3, Раъд: 2, То-ха: 5, Фурқон: 59, Сажда: 4, Хадид: 4.

- Исхок ибн Роҳавайх раҳимахуллох ушбу оятнинг тафсирида шундай деди: “Илм ахллари: “Аллох таолонинг Арш устига кўтарилгани ва ернинг еттинчи каватининг остидаги хар бир нарсани билиб туришига” иттифок килдилар. (Бу сўзни имом Заҳабий «ал Улув» китобида келтирган.

- Оятдаги «Юзи» дан мурод Аллох таолонинг хакикий юзи. Юзнинг колиши бутун Зотининг колишига далолат килади, бундан бошқа маъно тушуниб колинмасин. (Ислом Нури тахририяти).